

Расулуллох видо хажин адо этар чогида  
Бутун уммат якдил бўлиб Арафотда эдилар.  
Шунда Аллох Хабибига яна вахий юборди,  
Набийюллох бош кўтариб, халойикка дедилар:

Раббим айтди: «Динингизни бугун килдим мукаммал,  
Неъматимни сизлар учун этдим тугал, батамом.  
Ва сизларга дин ўларок Исломга рози бўлдим»,  
Бу оятни эшитаркан, уммат бўлди шодком.

Бирок баъзи сахобалар кўзларига ёш калкди,  
«Нечун бундай махзундирсиз?» – бўлди уларга савол,  
Ох тортдилар гамгин бўлиб, бошлар мунгли эгилди,  
«Хар нимаки камол топса, унда бошланар завол!»

Кўп ўтмади, зоти покни олди хасталик камраб,  
Иситмалаб, ўз танларин тўшак ичра олдилар,  
Дунё суви босолмасди хароратни, тан хоргин,  
Хатто масжид намозига чика олмай колдилар.

Амр этдилар: «Айтинг бориб, Расул дўсти Сиддикка,  
Имом бўлиб, одамларга намоз коим айласин».  
Жавоб бўлди: «Абу Бакр кунгли юмшок, мунглидир,  
Меҳробда у ўрнингизга туролмаса найласин?».

Такрор бўлди ушбу амр шу алфозда бир икки,  
Деди Оиша: «Сиддик бунга кила олмас ҳеч токат».  
Бас, айтдилар Расулуллох мутлак кескир охангда,  
«Бориб айтинг! Бу макомга удир муносиб факат!»

Шу алфозда бир неча кун Сиддик имом бўлдилар,  
Набийюллох хужрасида мудом эрдилар бемор.  
Душанба кун тонги эрди, кавм намозга мунтазир,  
Хабибуллох ўз танида топгандек эрди мадор.

Дар пардани кўтардилар, кавмга килдилар назар,  
Асхоб бундан огох бўлди, беҳад хуррам, шод бўлди.  
Абу Бакр жой бўшатмок бўлиб тисарилди ҳам,  
Имладилар Набий: «Жилма», диллари обод бўлди.

Дар пардани туширдилар, куёшни тўсди булут,  
Уммат дарди калбда эрди, юзлари мунгли хазин.  
Эй вох! Бу дам Расул умри етганди интихога,  
Остонада Малакул мавт сўраб турганди изн.

Эй Хабибим, калб суюги, дил богининг бахори,  
Эй буюк Зот, хузурига малак изн сўраган.  
Эй хидоят тожи узра ягона нур, шох маржон.  
Эй умрининг сўнггигача «умматим» деб йиглаган

Изн бўлди сиз тарафдан, Малакул мавт кирдилар,  
Тоттирилди ўлим шарбати Хабиби Худога.  
Дилларимиз асир этган, оламни ром килган зот,  
Тоабадлик сафар килди ул Рафики аълога.

Бу бир мотам, ўхшашини олам сира кўрмаган,  
Бу ўлимдан осмону ер алокаси узилди.  
Хеч бир Расул ёки Набий вафотида бўлмаган,  
Анбиёлар силсиласин шодалари бузилди.

Раббим! Ўзинг бу умматни хидоятга йўллагин,  
Разолату бидъатларни килма бизга бетма-бет.  
Махшар чоги акл шошган, оёк тойган махалда,  
Суюклигинг Мустафонинг шафоатин насиб эт.

Усмонхон Мухаммадиев  
(Мухаррир Хусайнхон Яхё)